

Кооперация биржаси:

БОЗОР МЕХАНИЗМИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ



Хабар қилганимиздек, кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдолари иш бошлади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Бу нуфузли тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов мазкур саноатчилар форуми қоронгалари ривожлантириш, маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтириш, пировардида валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, саноатнинг янги ички маҳсулотдаги ҳиссасини янада кўпайтириш учун янги имкониятлар очилиши ташкиллади. Маросимда мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти юксалиб, тенглар ичра тенг давлатга айлангани алоҳида қайд этилди. Бунга экспорт ўрнини босадиган тайёр ва рақобатдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар ҳамда саноат тармоқларини

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур, аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар кейинги йилларда иқтисодий ривожланишнинг юксак суръатларини ва саноатнинг илдам ўсишини таъминлади. Саноатнинг янги ички маҳсулотдаги улуши 90-йиллар бошидаги 11 фоиздан 2007 йилга келиб 24 фоизгача кўпайди. Мустақиллик йиллари мобайнида нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кўمё, металлургия саноатида ўнлаб янги йirik саноат қорхоналари барпо этилди. Иқтисодиётнинг янги тармоғи — ривожланган инфратузилмага эга бўлган автомобиль саноати яратилди, унда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси бугунги кунда 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Ватанимиз саноати томонидан энгил, юк автомобиллари ҳамда йўловчи автобуслари, полдизелен, сиклилан ва суолтирилган газ, кальцийлаштирилган сода, электр техника ва кабель-ўқазгич маҳсулотлари, эластик темир йўл шпаллари, машинасозлик ҳамда бошқа саноат тармоқлари учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар каби янги юқори технология маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, вужудга келтирилган саноат салоҳиятидан хали етарлича самарали ва тўлиқ даражада фойдаланилмаётган. Ишлаб чиқариш қувватлари, юқори маънави ишчи кучи, қулай иқлим шароитлари мавжуд бўлган ҳолда, тайёр саноат маҳсулотининг кўпгина турлари, хом ашё ва материаллар, етарли даражадаги манфаддорликнинг йўқлиги сабабли, кўпгина хориждан қўшимча транспорт харажатлари ва валюта сарфлаб олиб келинад, ваҳоланки, уларни маҳаллий қорхоналарда муваффақиятли ишлаб чиқариш мумкин бўлиб эди.

Хар томонлама қўлаб-қувватлаш, валюта маблағларини, биринчи навбатда, илгор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истиқболли қўлаб-қувватлаш чора-тадбирларининг энг муҳим устувор вазифаси деб ҳисоблансин. Куйидагилар ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: саноат қорхоналарининг ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узоқ муддатли ҳўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур конунчилик базасини ва бозор инфратузилмасини яратиш; ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг амалга ошираётган қорхоналарнинг зарур хом ашё ва кредит захираларидан эркин фойдаланишни таъминлаш; маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳар йили қабул қилинадиган дастурларнинг саноат кооперациясини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек дастурларга киритилган маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ўз вақтида bajarиларини учун юқори қатлининг жавобгарлигини кўнатириш; янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни йirik ва кичик қорхоналарда жойри этиш имконини берадиган инновация лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини, шунингдек инфратузилма объектларини ташкил этиш; мамлакатимиз қорхоналарининг эҳтиёжлари учун, шунингдек экспортга етказиб бериш учун ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш таъминлаётган қорхоналарга маҳаллийлаштириш дастури доирасида солиқ ҳамда божхона соҳасида имтиёз ва преференциялар бериш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини мунтазам асосда ўтказиб туришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қабул қилинсин. Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулот тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топиш ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳўжалик шартномалари тузишда ёрдам кўрсатиш саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий вазифаси этиб белгилансин.

3. Доимий фаолият кўрсатувчи Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. 4. Белгилансинки, маҳаллий қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади. 5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда, 2008 йилги маҳаллийлаштириш Дастуридан бошлаб, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган қорхоналар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. 6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаддор идоралар билан биргаликда ҳар чорақда ҳамда йил якуналари бўйича маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг тасдиқланган Дастури ижроси натижаларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларига киритиб борисин. 7. Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги 2008 йилги биринчи ярми давомида Агленгичлик кооперация алоқалари доирасида техникавий аудит ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини кенг қўлаш борасида ҳўжалик юртувчи субъектларга жойларда хизмат кўрсатиш филиаллари билан иттирослаштирилган тузилмалари тармоғи ташкил этилишини таъминлансин. 8. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда кейинчалик айлан нархи ва сифати бўйича рақобатдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўлаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиққан ҳолда, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилишининг доимий мониторингини ва таҳлилинини амалга оширсин. 9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 ноябрь
И. КАРИМОВ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёшлар камолоти, таълим-тарбиясига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бермоқда. Ёшларимиз маданият, спорт, санъат, фан ва бошқа қўлаб соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Глиэр номидаги Республика махсус мусика академик лицейининг 4-синф ўқувчиси Тохиржон Аскарлов шу йил октябрь ойида Италияда ўтган ёш пианиночиларнинг ўттинчи халқаро "Le Muse" кўрик-танловида голиб чиққани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

ЁШ ИСТЕЪДОД СОҲИБИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Ёш истеъдод соҳибига давлатимиз раҳбарининг совғалари топширилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтган тадбирда мусиқасано олимлар, санъаткорлар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Ёшлар тафақури ва қалбига чин инсоний фазилатларни сингдириш, уларни истиқбол гошларига садоят, она-Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, эзу ишлар сари даъват этишда санъат, айниқса, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти бекувсидир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклиги учун оладиган гонорарини Успенский ҳамда Глиэр номидаги Республика махсус мусика академик лицейларининг иқтидорли ўқувчиларига стипендия сифатида беради. Хозирга қадар мазкур стипендияга ушбу таълим даргоҳларининг Даниил Холков, Нодир Хошимов, Шерали Турсунматов, Бехзод Абдурахимов каби иқтидорли ўқувчилари сазовор бўлган.

(Давоми 2-бетда).

САНЪАТ БАЙРАМИГА АЙЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Янги авлод" Республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида 11-12 ноябрь кунлари фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи голиблари иштирок қилган концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида ўлғайиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бундай хайрли ишларга давлат ташкилотлари билан бирга, жамоат бирлашмалари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. "Янги авлод" фестивали "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг йirik ижодий лойиҳаларидан. У иқтидорли ўқувчи-ёшларни излаб топиш, аниқлаш ва ҳар томонлама қўлаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. 2004 йилдан буён ўтказилаётган ушбу ёш истеъдодлар беллашувида

(Давоми 2-бетда).

МЎЛ ҲОСИЛ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг қарвонбошилари бўлиши фермерларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Кўксига шамол теккан фермерлар ҳам ўзларига берилган ҳақ-хуқуқлардан фойдаланиб, бунёдкор меҳнатлари орқали мўъжизалар яратмоқдалар.

Шу маънода Президентимизнинг аяндида матбуотда эълон қилинган "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжалиқларини қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Қишлоқ меҳнат аҳли уни зўр мамнуният ва миннатдорлик билан кутиб олди.

Мен фермерлар билан ишлайман. Ҳар кун уларнинг қувонч ва ташвишларига шерикман. Айниқса, унумдорлиги паст ерларда меҳнат қилаётган фермерларга осон тутиб бўлмайди. Тер тўкиб, меҳнат қилса-да, кўзлаган ҳосилини ололмаса, харажатлари ошиб кетса... Энди ҳукуватимиз бунинг ҳам ташвишини қилаяпти. Бундай ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга мадад қўлини узатаяпти.

Ушбу қарор, айниқса, хоразмлик фермерлар учун аини муддао бўлди. Чунки воҳанинг тупроқ шароити оғир, экин майдонларида шўрланмиш кучли. Бу ерда мўл ҳосил кўтариш учун кўп меҳнат ва кўп маблағ талаб

этилади. Хозирги кунда вилоятда 18 минг 850 та фермер ҳўжалиги мавжуд бўлса, уларнинг муайян қисми унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилишади. Масалан, воҳадаги экин майдонларининг 29 фоизи бугунги кунда кучли шўрланган ерлар ҳисобланади.

Энди бу ерларда ишлаётган фермерларнинг иши ўнглашиб кетиши турган гап. Чунки қарорда белгиланганидек, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер ҳўжалиқларини молиявий қўлаб-қувватлаш мақсадида маблағлар ажратилади. Айтнинг, бундай ғамхўрлик яна қайси давлатда бор? Бундай ёрдамдан баҳраманд фермерларимиз масъулиятни ҳам унутмасликлари лозим, албатта. Ҳа, энди ҳамма гап белни маҳкам боғлаб, ғайрат ва ташкилотчилик билан ишлашда қолди.

Мақсуд САИДОВ,
Республика фермер ҳўжалиқлари уюшмаси Хоразм вилояти филиали раиси.

Имтиёзли кредит шарофати

Балиқчи туманилик Улуғбек Қўзиёев "Микрокредитбанк"дан олган салкам икки миллион сўм маблағ эвазига эгасиз қолган икки гектар майдондаги тоқор парварлигини йўлга қўйди. Натияжада у қисқа вақтда бўстонга айланди. Банкнинг яна бир мижозси — Ойбек Расулов имтиёзли кредит ҳисобига иссиқхона қурди. «Ка-

фолат файз дийр» деҳқон ҳўжалиги миришкорлари эса аини кунларда ички бозорни помидор билан таъминлабгина қолмай, балки, деҳқонларга ҳосилдорлиги юқори бўлган қўчаларни етказиб бермоқдалар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор меҳмонхона қуради

Чустлик хусусий тадбиркор Аҳмаджон Ҳамидов маданий-маиший ва савдо мажмуасини барпо этиб, фойдаланишга топширди. Хозирда туман марказидаги мажмур масканда аҳолига 12 турдаги

хизмат кўрсатилмоқда. Аини кунларда мажмуа таркибидаги «Аҳмадшер» меҳмонхонаси қурилиши ниҳоясига етказилаётир. Юз миллион сўм ҳисобига бунёд этилаётган бу ишоот 32 ўринга мўлжал-

ланган. У фойдаланишга топширилган, тадбиркор томонидан яратилган иш ўринлари икки юзтага етади. Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё вилояти аҳолиси яна бир янги молиявий муассаса — «Ипак йўли» банкнинг хизматидан фойдалана бошлади. Қарши шаҳрида банкнинг экспресс-маркази очилди.

«Ипак йўли» Қаршига келди

Вилоят ҳудудида ўзининг доимий миқозларига эга бўлиш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш мақсадида ташкил этилган бу банк ҳозирда беш турдаги пул ўтказмаларини амалга оширмоқда. Унинг дастлабки фаолияти келгусида хизмат турларини янада кўпайтириб, вилоятдаги банк муассасалари ўртасида ўзининг муносиб ўрнини топишга ишонч тудирмоқда.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодий инчор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз қорхоналарни сотиш борасидаги чора-тадбирлар туфайли

364 та қорхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари яхшиланди.

Қайта ташкил этилаётган қорхоналарнинг фойдаланил-маётган қувватлари негизида эса 35 та янги қорхона ташкил этилди. Бундай ижобий кўрсаткичга Маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оширилди, маҳсулот қўлаб чиқарувчиларга қатор имтиёзлар берилгани, кўнлаб қорхоналарнинг модернизация ва реконструкция қилингани, шунингдек, хориқ сармоясини жалб этиш учун қулай инвестиция муҳити яратилганига боис эришилди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Товон пули эвазига автойўл

Ливия 1911 йилдан 1951 йилгача Италиянинг мустамлакаси бўлган.

Айниқса, Муссолини Италияга раҳбарлик қилган даврда Ливия халқи оғир фожиаларни бошидан кечирган. Мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг Ливия Италиядан тоvon пули тўлашни талаб қила бошлади. Ҳақиқатда ушбу та-

лаб ижобий ҳал этилди. «ИТАР-ТАСС» хабарига қараганда, расмий Рим Ливияга тоvon пули эвазига катта автойўл куриб берадиган бўлди. Ушбу йўл курилишига Италия ҳукумати бир неча миллиард евро сарфлайди.

Лоқайдлик оқибати



АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари Хитойнинг «Coso» юк кемаси экипаж аъзоларини сўроқ қилишни бошлади. Кема Сан-Франциско

кўрфазига яқинида кўприкка урилиб кетган ва кемадаги 250 тонна мазут сувага тўқилган эди.

АҚШ кўрғоқ мудофааси қўшинлари Шимолий Калифорния бўлинимаси бошлиғи Уильям Убертиннинг таъкидлашича, ҳалокат техник носозлик туфайли эмас, экипаж аъзоларининг лоқайдлиги оқибатида содир бўлган. Шундай экан, улар қилган иши учун жавоб бериши керак.

Ҳайвонларнинг ҳаёт тартиби

Яқинда кун Италияда «Интер» ва «Лацио» футбол жамоалари учрашувидан олдин фожиа юз берди. Икки жамоа ишқибозлари ўртасида тўқнашув келиб чиққани олдини олиш учун кўчага чиққан полициячи кутилмаганда ишқибозлардан бирини отиб ўлдирди.

Бу хабарни эшитган ишқибозлар кўчаларда тартибсизликлар уюштирдилар. Чемпионатнинг барча учрашувлари 10 дақиқа кечикиб бошланди. «Интер» ва «Лацио» жамоалари ўртасидаги учрашув эса бошқа кунга қолдирилди.

Довул — кулфат сабабчиси

Қора денгизнинг Кавказ порти яқинида юз берган кучли довул оқибатида ўнлаб кемалар ҳалокатга учради, кўплаб денгизчилар ҳалок бўлди.

Ҳозир бу ерда кидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Ҳалокат пайтида Керч буғозига 6,6 тонна олтингургит, тўрт нача тонна ёнғил тўқилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу жиддий экологик ҳалокатга олиб келиши мумкин.

«Интерфакс» хабарига айтилишича, довулнинг ҳамон давом этаятгани кидирув-қутқарув ишларига жиддий ҳалат қилаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Дунё бозорларида дон маҳсулотлари — бугдой, маккажўҳори ва гуруч нархларининг сезиларли ошиши асосий озиқ-овқат манбаларининг қисқариб кетишига қарши жиддий чора-тадбирлар куришни тақозо этмоқда. Кўплаб давлатлар ўз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида бюджетларидан катта маблағ сарфлашга мажбур бўлаёпти.

Дунё бозори:

НАРХ-НАВО БАРҚАРОРМИ?

Жаҳон биржаларидаги нарх-навонинг тўсатдан кўтарилиши, айниқса, камбағал мамлакатларда ташвиш билан кутиб олинди. БМТ мутахассислари эълон қилган сўнгги статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда дунёда қорни тўймай кун кечираётган аҳоли сони 854 миллион нафарни ташкил этади. Вазиятнинг шундай давом этиши мазкур рақамнинг янада ошишига олиб келиши табиий. Қолаверса, барқарор давлатларнинг ҳам ўз омборларини галла маҳсулотлари билан тўлдиролмаётгани ошқорча чора-тадбирлар кўраётгани озиқ-овқат манбалари учун жиддий қўрқоқ билан қўриқилган дарак бермоқда.

Бизнинг шарҳ

ларда илк марта рекорд даражага кўтарилишига сабаб бўлаёпти. БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури экспеди бу ташвишчи ҳолатни ҳис қилишнинг бошланғичи, дея изоҳлади. Яқин йиллар ичида озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ҳажми Африка, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари ҳисобига кескин ошиши тахмин қилинмоқда. Африка бу турдаги маҳсулотлар импорти ҳажмининг 60 фоизгача, Хитой эса 30 фоизгача кўтариши кутилаёпти. Бир томондан нархларнинг ошиши галла маҳсулотларининг асосий таъминотчилари ҳисоб-

ланган АҚШ, Россия, Австралия, Канада ва Аргентина деҳқонларига катта даромад келтириши табиий. Лекин шундай бўлишига қарамадан бу давлатлар ҳам экспортга чекловлар қўламоқда. Хусусан, Россия дон маҳсулотлари экспортига бож тўловларини ошириши билан ўз бозорларидаги нарх-навонинг кўтарилишига қарши

курашмоқчи. Украинада ҳам айни пайтда шу масала муҳима қилинмоқда. Бир пайтнинг ўзида катта ҳажмда импорт қилувчи мамлакатлар ҳам галла етиштиришга аҳамият бера бошладилар. Бундан ташқари, айрим давлатлар, жумладан, Покистон ва Ҳиндистон ағлақдон дон маҳсулотлари импорти ҳажмининг ҳар эҳтиомга қарши мутасил оширишмоқда.

Узини ўзи галла билан таъминловчи мамлакатлар ҳам бу масалада кескин қоралар кўришга киришиб кетди. Бу эса мазкур давлатлар бюджетига оғирлик қилиши табиий. Ушбу давлатлар ҳозирда тақчилликни бартараф этиш мақсадида келгуси йил учун жами 28 миллиард доллар ажратилган. Бу кўрсаткич 2002 йилдагидан икки марта кўп демасқидир.

Хорижий ОАВ материаллари асосида Ю. БУРОНОВ тайёрлади.

Газетада босилмади, аммо...

Муборак тумани «Карлик» қишлоғида истиқомат қилувчи Н.Қўйилев таҳририятимизга мурожаат қилиб, шу ҳудудлик фуқаро Х.Раҳматуллаев «Бўрон Қўйилев» фермер ҳўжалигига тегишли, қонуний ажратилган ер майдонини тортиб олмоқчи бўлгани ҳақида шикоят хати йўллагани. Мазкур хат юзасидан қуйидаги расмий жавобни олдиқ:

ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

«Вилоят прокуратураси томонидан ушбу ариза атрофида урганлиди. Аниқлаштирилган, фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро суднинг қарорига қўра, туман суд ижрочилари томонидан «Бўрон Қўйилев» фермер ҳўжалигига олиб берилган 3,2 гектар ер майдонини фуқаро Х.Раҳматуллаев ўзбошимчалик билан эгаллаб, ундан фойдаланиб келган. Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг қарорига асосан у маъмурий жавоб-

гарликка тортилган. Бироқ фуқаро шундан кейин ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармаган ва ушбу ер майдонидан фойдаланган. Шу боис туман прокуратураси томонидан Х.Раҳматуллаевга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилган. Шунингдек, у жаримага тортилган.

Қашқадарь вилоти прокуратурининг ўринбосари, адлий катта маслаҳатчиси М.КАРИМОВ.

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддатиди 2007 йил 20 ноябргача узайтирилганлигини маълум қилади:

- «ОНИКС» ОАЖнинг 54,92% акциялар пакетини 3 103 000 (уч миллион бир юз уч минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 18 600 000 (ун саккиз миллион олти юз минг) еврони ташкил этади.
«ОНИКС» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти халқ истеъмол моллари: маиший ва идоралар учун мўлжалланган ёриткичлар, идишлар (биллур ва шишадан) ва электрон техника жиҳозлари ишлаб чиқаришдан иборат.
Фаргона вилоят «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 25% акциялар пакетини 821 000 (саккиз юз йигирма бир минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 1 125 000 (бир миллион бир юз йигирма беш минг) АҚШ долларини ташкил этади.
Бухоро вилоят «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 25% акциялар пакетини 497 700 (тўрт юз тўқсон етти минг етти юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 1 293 200 000 (бир миллиард икки юз тўқсон уч миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.
Хоразм вилоят «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 25% акциялар пакетини 683 000 (олти юз саксон уч минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 1 132 255 000 (бир юз ўн уч миллион икки юз эллик беш минг) сўмни ташкил этади.
Жиззах вилоят «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 25% акциялар пакетини 910 400 (тўққиз юз ўн минг тўрт юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 496 100 000 (тўрт юз тўқсон олти миллион юз минг) сўмни ташкил этади.
Навоий вилоят «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 25% акциялар пакетини 283 200 (икки юз саксон уч минг икки юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 156 300 000 (бир юз эллик олти миллион уч юз минг) сўмни ташкил этади.

Юқорида келтирилган акциялар пакетларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмининг ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.
Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информатсион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиндиши мумкин.
«ОНИКС» ОАЖ бўйича тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини, барча «Қишлоқхўжалиқим» ҳудудий акционерлик жамиятлари бўйича 100 (юз) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

Валюта ҳисоб рақами — 20 203 840 500 600 289 001.
ҳисоб рақами — 20 203 000 600 600 289 001.
«Ипак Йўли» акционерлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлими бошқармаси
100135, Тошкент шаҳри, Фарход кўчаси, 12-«А» уй.
ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

Илгари тендерда иштирок этган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини қўлда қолдиришлари ёки ўрнига янги таклифларини ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.
Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 20 ноябрда Тошкент вақти билан 15.00 да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.
Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.

Телефон: +998 (71) 139 22 51
Факс: +998 (71) 139 22 79
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till November 20, 2007 of the previously announced tenders for sale of:

- 54,92% shares packages of JSC «ONIKS» with starting bidding price not less than 3 103 000 (three million one hundred three thousand) US Dollars and investments requirements 18 600 000 (eighteen million six hundred thousand) Euro.
JSC «ONIKS» is situated in Tashkent city. The main activities of JSC «ONIKS» are manufacturing consumer goods: household and office lamps, cut-class and glass wares and electro technical products.
25% shares packages of Ferghana Region JSC «Kishloqhojalikimyo» with starting bidding price not less than 821 000 (eight hundred one thousand) US Dollars and investments requirements 1 125 000 (one million one hundred five thousand) US Dollars;
25% shares packages of Bukhara Region JSC «Kishloqhojalikimyo» with starting bidding price not less than 497 700 (four hundred ninety four thousand seven) US Dollars and investments requirements 1 293 200 000 (one billion two hundred ninety three million two hundred thousand) soums;
25% shares packages of Khorezm Region JSC «Kishloqhojalikimyo» with starting bidding price not less than 683 000 (six hundred eighty three thousand) US Dollars and investments requirements 1 132 255 000 (one hundred thirteen million two hundred fifty five thousand) soums;
25% shares packages of Djizak Region JSC «Kishloqhojalikimyo» with starting bidding price not less than 910 400 (nine hundred eighty ten thousand four hundred) US Dollars and investments requirements 496 100 000 (four hundred ninety six million one hundred thousand) soums;
25% shares packages of Navoiy Region JSC «Kishloqhojalikimyo» with starting bidding price not less than 283 200 (two hundred eighty three thousand two hundred) US Dollars and investments requirements 156 300 000 (one hundred fifty six million three hundred thousand) soums.

Main activities of Territorial Joint-stock companies «Kishloqhojalikimyo» of Ferghana, Bukhara, Khorezm, Djizak and Navoiy regions are sales of mineral fertilizers and rendering of agrochemical services.

The preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the abovementioned shares of the Companies and undertake the highest amount of investment obligations based on investment requirements of the enterprises.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents on JSC «ONIKS» constitutes 2 000 (two thousand) US dollars, and on all of Territorial Joint-stock companies «Kishloqhojalikimyo» constitutes 100 (hundred) US dollars which are to be transferred to the account stated below.

Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or
Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001
in the Joint-stock Innovational-commercial Bank «Ipek-Yoli»,
TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str.,
100135, Tashkent.S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The investors that have participated in the tender and have submitted their Bids earlier have the right to keep their Bids in force or to submit new ones instead without any additional payment before the deadlines indicated below.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 20, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 20, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 17th Floor
Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov
Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
E-mail: ccpbuz@tps.uz

Спорт

Испаниянинг Виктор-Гастейс шахрида шахмат бўйича дунёнинг олти нафар кучли гроссмейстери ўртасида йирик халқаро турнир давом этмоқда.



Чемпионлар турнири

Хамюртимиз Рустам Қосимжонов дастлаб мағлубиятга учрагани. Аммо у охири икки турда турнир пешқадами Руслан Пономарёв (Украина) ва Анатолий Карпов (Россия)лар билан дуранг натижага эришди.

Қўтилмаган натижалар

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича мамлакат XVI миаллий чемпионати-нинг 26-тур урашувлари бўлиб ўтди.



Турнинг энг қўтилмаган натижаларидан бири Фарондада кайд этилди. Медаллар учун курашаётган "Нефтчи" ўз майдонда чемпионат аутсайдер "Локомотив"га имкониятни бош берди (0:1).

3. ЖОНИБЕКОВ.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СЎРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 10 июлдаги 19-0602-1519-сонли ижро ҳужжати асосан, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Қумқўрғон тумани, М.Қорабобоев маҳалласи ҳудудда жойлашган «Шеробдусувқурилиш» ОТХЖга қарашли таъмирталаб маъмурий бино.

Бошлангич баҳоси — 93 733 520 сўм.

Ушбу кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари 2007 йил 13, 15, 20, 22, 27, 29 ноябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

2. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 13 апрелдаги 19-0509-164-сонли ижро варақасига асосан департаментнинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган, Термиз шаҳри, Т.Сайдалиев кўчаси, 11-уйда жойлашган «Хошим» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ва Сурхондарё вилояти бозорлар фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмасига қарашли Бойсун тумани, Омонхона қишлоғида жойлашган, хорижда ишлаб чиқарилган «Омонхона шифобахш суви қадоқлаш» технология линияси ускуналари.

Бошлангич баҳоси — 156 578 952 сўм.

Ушбу мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йил 4, 6, 11, 13, 18, 20 декабрь кунлари соат 11.00 да ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган «Тадбиркорлар маркази» биносининг савдолар залда ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Сурхондарё вилояти филиалининг ХЕАТБ «Даврбанк» Термиз шаҳар мини банкидаги МФО 000981, ИНН 200933850, 20210000700571452053 ҳисоб рақамига тулашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларини қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади, яъни сешанба кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига жума кунини, пайшанба кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига сешанба кунини аризалар олиш тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефонлар: 770-85-90, 227-25-49. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

ҲИСОБ-КИТОБ САБОҚЛАРИ

Кейинги пайларда педагог-олимлар томонидан замон талабларига мос дарсликлар, ўқув қўлланмаларини тайёрлаш анча жадаллашди. Шулардан бири таниқли олим Муҳаммадқўб Остонақулов томонидан тайёрланган ва яқинда нашрдан чиққан «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» дарслигидир.

Қўлланма

Давлат таълим стандартлари, фаннинг намунавий дастури ва бухгалтерия ҳисобининг миллий ҳамда халқаро стандартларига мос равишда ёзилган маъмурият ҳисоби бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг мазмун-моҳияти, вазифалари ва унга қўйилган талаблар ҳисобга олинган. Энг муҳими, китобда бухгалтерия ҳисобида бозор муносабатлари шароитида содир бўлган ўзгаришлар ўз таҳлилини топган.

Дарсликнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унда маъмурият ҳисобида қўлланган ва қисмлар келтирилган, таянч иборалар, уларнинг изоҳлари берилган.

Хўсан МУСАЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.



Таниқли адиб Шўҳратнинг ўтган асрнинг 80-йилларида яратган «Беш кунлик кўёв» комедияси ўз даврида Тошкентдаги ёш томошабинлар театрида сахналаштирилиб, қайта-қайта намойиш этилган эди.

«Беш кунлик кўёв» яна сахнада

Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мушқали драма ва комедия театри маъмурият асрага яна мурожаат қилди.

Еш, истеъдодли режиссёр Жавлон Жўраев спектаклни янги кун, янги замон талабларига мослаштириб, ўзига хос талқинда сахнага олиб чиқди.

Қ. НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for TRUBЫ полиэтиленовые (polyethylene pipes) with technical specifications and contact information.

Advertisement for ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2 (Emal-Sim PTV-2) electrical equipment with technical specifications and contact information.

Advertisement for GPS and surveying equipment including Trimble, SOUTH, and other brands.

Large advertisement for GAZ vehicles (GAZ-3221, GAZ-31105, GAZ-33023, GAZ-33024, GAZ-3307, GAZ-3302, GAZ-3309) with images and descriptions.

Advertisement for TUPROKSHUNOSLIK VA AGROKIMIE ILMIIY-TADKIQTOT DAVLAT INSTITUTI (Tuproqshunoslik va Agrokimie Ilmiiy-tadqiqot Davlat Instituti) with details about programs and contact info.

Bottom section containing various small advertisements including 'Халқ сўзи Народное слово', 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', and other notices.